


2025 йил 20-октябр

Кореялик олимлар глюкозадан ароматик углеводородлар олиш технологиясини ишлаб чиқдилар



Корея Илғор Фан ва Технология Институтини (KAIST) тадқиқотчилари глюкоза ва глицерин каби қайта тикланувчи углеводород манбаларидан муҳим ароматик углеводородлар — бензол, толуол, этилбензол ва пара-ксилол (BTEX) — олиш имконини берадиган интеграллашган биохимиявий жараёни яратдилар. PNAS (Proceedings of the National Academy of Sciences) журналида чоп этилган мақолага кўра, ушбу ишланма нефть-кимё тармоғини қазиб олинган хом-ашёларга бўлган қарамлигини камайтириш асосига айланиши мумкин.

Профессор Сан Ёоп Ли ва Сонг Гю Хан бошчилигидаги олимлар тажриба давомида махсус ўзгартирилган *Escherichia coli* бактерия штампларидан фойдаланиб, аввал оралик бирикмаларни биосинтез қилишди. Кейинчалик улар палладий асосидаги катализаторлар

ёрдамида ароматик углеводородларга айлантирилди. Ушбу жараён орқали бензол учун 85% гача, пара-ксилол учун эса 62% гача маҳсулдорликка эришилди. Бу эса ВТЕХ бирикмаларини қайта тикланувчи манбалардан тўлиқ циклда синтез қилиш имконини берди. Профессор Сан Йоп Лининг таъкидлашича, янги технология ёқилғи ва полимерларни кам углевод изи билан саноат миқёсида ишлаб чиқаришга йўл очади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/koreyalik-olimlar-glyukozadan-aromatik-uglevodorodlar-olish->